39 (473)
2005 йил 28 сентябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Қалби уйғоқ қўшни — яхши қўшни!
▶ Чучук уйдирмадан аччиқ ҳақиқат яхши!

3
▶ Сохтакорликни ўзига эп кўрган оқсоқол...
▶ Мураббийлар, айёмингиз муборак!

4
▶ Қўшкелиннинг бахти қўш эмасми?
▶ Тошкент бозорлари тарихи...

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 сентябрь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси Дэниел Фридни қабул қилди.

Музокара чоғида Ўзбекистон билан АҚШ муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари хусусида сўз борди. Шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

ЎзА

Ўзбек спортчилари довруғи

ДИЛШОД — ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Истиқлол йилларида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли бугун юртимиз ҳақли равишда дунёнинг йирик спорт марказларидан бирига айланди.

Будапешт шаҳридан яна бир хушхабар келди. Венгрия пойтахтида бошланган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Дилшод Мансуров жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз финалда Болгария вакили Радослав Великов билан куч синашди. Рақиби устидан зафар қучган Дилшод Мансуровга жаҳон чемпионатининг олтин медали топширилди ва унинг шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Тошкент аэропорти: *икки карра жаҳон чемпионини кутиб олиш пайти.*

Дилшод Мансуровнинг ушбу ғалабаси икки йил муқаддам АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатини ёдга солди. Унгача терма жамоамиз аъзоларига эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида олтин медал олиш насиб этмаганди. АҚШдаги мусобақада Дилшод Мансуров 55 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган бўлса, Артур Таймазов оғирлиги 120 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида жаҳон чемпиони бўлган эди.

Мана, орадан икки йил ўтгач, Дилшод чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди. Эркин кураш сирасорларини таниқли мураббий Маъмур Рўзиевдан ўрганаётган 22 ёшли полвонимиз ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати олтин медалларини қўлга киритган, Осиё ўйинлари ва кўплаб халқаро турнирларда ғолиб чиққан.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

— Яна нима дейди?
— Дилшод байроғимизни яна баландга кўтарди, — дейди.



МАҲАЛЛА АҲЛИ ПАХТАЗОРГА КЕЛДИ

Ўзбекистон деҳқонлар юрти!
Унинг қуёшли далаларида иссиқ-совуқ демай, экин экиб, ҳосил етиштираётганларнинг битта нияти бор. У ҳам бўлса хирмонларимиз юксак бўлиб, дастурхонимиз тўкин ва топган-тутганимизда барака бўлса!

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар

Куни-кеча минг-минглаб тонна донни йиғиштириб олган деҳқонларимизнинг олдида бугун яна бир имтиҳон турибди.

Оппоқ далалардаги пахта ҳосили ҳаммани ўзига чорламоқда!

Бугун ёшу қаридир, қишлоқ одамининг фикру-ёдида етиштирилган ҳосилни тезроқ териб олиш, уни нонинг увоғидай азиз билиб, ёғин-сочин кунларга қолдирмай йиғиштириб олишдир!

Далаларимизда терим қизғин бормоқда. Зеро, Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг бойлиги бўлган пахтани териб олиш одамларимизнинг виждон бурчига айланган палладир!

Бу йил биргина Ўрта Чирчиқ туманида 4 та янги мактаб қуриб фойдаланишга топширилди, ўнлаб ўқув даргоҳлари қайта таъмирланди. Янги мактабларнинг бири очилишида кекса бир отахон сўзга чиқиб:

— Бу шарофатли ишларнинг барчаси пахтамиз туфайли. Ҳосилимиз, хирмонларимиз баракали бўлса, бундай яхши ишлар кўп бўлади. Эрта-индин пахта йиғим-терими бошланади. Ўзим ҳам 70 ёшга кирганимга қарамай белимга этак боғлаб ёшларга бир ғайратимни кўрсатиб қўймоқчиман, — деганларида ҳамма уни қарсаклар билан олқишлади.

Дарҳақиқат, бу ҳаққоний гаплар замирида катта бир ҳақиқат ётибди. Пахтамиз яхши бўлса, ҳаётимизда ҳам мўл-кўлчилик, турмушимизда фаровонлик бўлади, давлатимиз қудрати мустаҳкам заминга эгалик қилади.

Шунинг учун ҳам кексаларимиз бекорга пахта теримини "элга келган тўй" деб аташмайди ва ҳар қандай йиғинларда ёшларга қарата, ишловчиларга қарата "ишқилиб ёғин-сочинга қолдирмай йиғиштириб олинглар", деб ният қиладилар. Маҳаллалардагиларга мурожаат қилиб, ҳаммани теримга чорлайдилар.

2005 йилнинг ҳосилини йиғиштириб олиш учун маҳаллаларимизга ҳашар кириб келганлиги ҳам рост гап.

Пахта йиғим-терими бошланиши билан "Маҳалла" жамғармасининг Чирчиқ шаҳри бўлинмаси 80 нафар маҳалла аъзоларидан гуруҳ тузиб, вилоят далаларида пахта термоқдалар. "Ҳа деган туяга мадор" деганларидек, хирмонга ҳар куни 3-4 тоннадан пахта уйилмоқда. Уларни ҳеч ким зўрлагани йўқ, ҳатто даъват ҳам қилгани йўқ, ҳаммаси қалб амри билан далага отланишган.

Пахтачилик туманларидаги маҳаллаларда эса этак тутганлар сони тобора ошиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда маҳалла аҳли ҳашарга отланди.

Оққўрғон туман далаларини айланар эканмиз, йўл четидаги катта дала ичида ўнлаб аёлларни учратдик. Уларни суҳбатга чорладик. Маълум бўлишича, улар шу хўжаликка ёндош маҳаллалардан бўлиб, ҳар куни оила ишларини тинчитиб, далага ҳашарга чиқишмоқда.

— Мен — Рўзибоева Энахонман, ёшим 61 да. Ёшлигим ҳам, умрим ҳам далада ўтган. Оппоқ пахталарни кўрсам ўзимни тутолмай қоламан. Болаларимнинг "ҳай-ҳай"лаганига қарамай, этакни белимга боғлаб ҳашарга келдим.

— Мен, ука, пахтанинг ҳидини яхши кўраман, шунинг учун пахтазорга чиқмасам ўзимни ноқулай ҳис қиламан, — деб Асолат ая ҳаммани кулдирди.

Ҳа, бугун ҳамма пахтазорда. Қишлоқларимизни оқлик тутиб кетди. Ҳамма Ўзбекистон пахтасини соғиниб келган гўё, далага!

Хирмонлар юксалиб бормоқда, пахта карвонлари йўлларда, демак, элнинг насибаси, юртнинг бойлиги ҳаммани ҳашарга чорламоқда.

Янги ҳосилинг, янги ризқ-насибанг қутлуғ бўлсин, она Ўзбекистон!

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Воқелик ва тафсилот

АНДИЖОНДАН КЕЛАЁТГАН ҚАЛБ ТУҒЁНЛАРИ

Маълумки, шу кунларда 12-13 май кунлари Андижондаги террорчилик ҳаракатларини содир этишда айбланаётганларнинг 15 нафари устидан суд жараёни давом этмоқда. Бу жараённи бевосита кузатиб бораётган юртдошларимизнинг воқеликка муносабати аён. Айниқса, май воқеаларини ўз бошидан ўтказган, шу воқеаларни бошқаларга нисбатан яқиндан кузатган Андижон аҳлининг бу борадаги муносабати ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Улар ўз навбатида таҳририятимизга ҳам кетма-кет мактублар йўллаб, бегуноҳ инсонлар қонини тўккан, халқига, Ватанига қарши қурол кўтарган манфур кимсаларга нисбатан аёвсиз — айни дамда қонуний жазолар белгиланиши зарурлигини эътироф этмоқдалар.

ЖАҲОЛАТГА БОТДИНГ, ЭНДИ СЕНГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари юртдошларимиз қалбида ғазаб уйғотди. Бу мудҳиш жиноятларнинг асосий омили — жаҳолат. Жаҳолат ботқоғига ботган террорчилар эса ўз навбатида баъзи ёшларимизнинг ҳам онгини заҳарлашга уриндилар. Уларни ўз юртига, халқига қарши қайрадилар. Мана бугун ҳар ким ўз қилмишига яраша жавоб берадиган пайт келди.

Биз Андижон шаҳридаги 10-сонли маҳалла хотин-қизлари ҳам мамлакатимиз фуқароси, ҳам жабрдийда, ҳам аёл сифатида ушбу жиноятни содир этганлар аёвсиз жазога лойиқ деб ҳисоблаймиз.

Насиба МАМАЖОНОВА,
маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси.

ЁВУЗЛИКНИ ОҚЛАБ БЎЛМАЙДИ!

12-13 май кунлари Тошкент шаҳрида эдим. Спортнинг каратэ тури бўйича пойтахтимизда ёшлар ўртасида халқаро турнир мусобақалари бошланди. Шу куни жонажон шаҳрим Андижонда содир этилган мудҳиш воқеани эшитиб, қалбим ларзага келди. Даставвал маҳаллам, ота-онам, мактабдош дўстларим кўз олдимда жонланди, хавотирга тушдим... Бироқ мусобақа иштирокчиси сифатида ўзимни қўлга олмасам, ғалаба қозонишим мушкул кечарди. Саккиз мамлакат ёшлари иштирок этаётган беллашувларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш, албатта ўта масъулиятли вазифа. Мусобақада ғалабага эришдим — кумуш медаль билан тақдирлашди.

Тўғри, мен ҳали анча ёшман, балки кўп нарсага ақлим ҳам етмас. Аммо ишончим комилки, одамларнинг тинчосуда ҳаётини бузишга интилганлар қилмиши кечирилмасдир. Мен ёвузликка қўл уриб, бугун қора курсида ўтирган жиноятчиларнинг қилмишларини қаттиқ қоралайман.

Машҳурбек РАҲМОНОВ,
Андижон шаҳридаги 32-умумтаълим мактаби ўқувчиси, каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирнинг кумуш медали совриндори.

ОДИЛ СУД ҲУКМИ — ОДИЛ БЎЛАДИ

Мана бугун Андижон воқеаларини "Тинч аҳолининг намойиши эди" деб дунёга аю ҳаннос солган хорижлик журналистлар ҳақиқатни келиб кўрсинлар.

Андижон воқеаси ҳақиқатдан ҳам "Ўзбекистон ислом ҳаракати", "Ҳизбут-таҳрир" ва унинг оқимларидан бўлган "Акромийлар" томонидан уюштирилганлигига ишонамиз. Бу ҳаракатнинг 15 иштирокчиси устидан бўлаётган суд жараёнида судланувчиларнинг ўзлари буни очиқ-ойдин тан олмоқдалар.

Ҳа, Андижон воқеаси террорчилик ҳаракати экан, унинг иштирокчилари тегишли жазосини олишлари муқаррар.

Асака шаҳри уруш ва меҳнат фахрийлари номидан:

Ҳаким ҳожи СОДИҚОВ,
Исмоилжон УСТАХОНОВ,
Ҳурибой МИРЗАКАРИМОВ,
Аҳмад ҳожи ҲАКИМОВ,
Мухторжон АҲМЕДОВ
ва бошқалар.

Ахборот ҳақиқат тарозусида

МАЙКЛни НИМА УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИҚТИРМОҚДА?

Ўзбек халқининг меҳмондўстлик хислатини дунё яхши билади. "Меҳмон отангдан улуғ" деган мақол ҳам фақат биздагина ўйлаб топилган. Ҳатто меҳмондўстлигимизни суиистеъмол қилганларга ҳам бизнинг одамларимиз ўзларига хос бўлган сабрлилик ва очиққўнгиллик билан муносабатда бўлишади. Афсуски, ўзбекистонликларнинг ҳеч бири гарчи "голливудчасига" жилмайиб турса ва келишган бўлса-да, Майкл Макфолни ҳатто эслолмайди ҳам.

Умуман олганда, у билан боғлиқ бугунги воқеалар бошдан-оёқ мавҳумликдан иборат. Ҳатто жаноб Макфолнинг Ўзбекистонда бўлган ёки бўлмаганлиги ҳам... Бироқ ушбу Стэндфорд университети сиёсат фанлари профессори, Гуверов институти катта илмий ходимининг таъкидлашича, мустақиллигимизнинг дастлабки ойларида у бизда меҳмонда бўлган ва уни юртимиздан чиқариб юборишган.

Бу борада бир нарсани аниқ айта оламан — агар хотирам менга хиёнат қилмаётган бўлса, айнан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида юртимиз эшиклари бу ерга тоза юрак билан ташриф буюрувчи барча кишилар учун очиқ бўлганди. Ҳа, Истиқлолнинг илк йилларида юртимиздан хорижликлар чиқариб юборилган ҳолларни мен нимагадир ҳеч эслолмайман.

Майли, кўп ҳурматли бўлган Майклнинг бу ҳақдаги хаёлотларини унинг виждонига ҳавола қила қоламиз. Бугун кўпчилик демократия учун кураш майдонида ўзини кўрсатиб қўйишни истайди, ушбу ҳолатда гўёки унинг мамлакатдан чиқариб юборилгани эса — ишонувчан тингловчилар диққатини жалб этиш ва ҳурмат-эътибор қозонишга қаратилган нотиқлик уринишидан ортиқ нарса эмас.

Яхшиси, унинг "Автократ тузумлар: барқарорлик орзулари" деган ўта сермаъно сарлавҳали мақоласида келтирилган мамлакатимиз тарихи ва сиёсатига оид "таҳлил"ларига мурожаат қиламиз.

АҚШнинг ҳали ёш мустақил давлатимизга нисбатан сиёсати ҳақида гапира туриб, муаллиф эътироф этади: "СССР тарқаб кетгандан кейинги дастлабки йилларда Америка ташқи сиёсатининг Ўрта Осиё йўналишидаги асосий мақсади Совет Иттифоқининг у ёки бу кўринишда қайта тикланишидан сақланиш кафолати сифатида Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашдан иборат бўлган эди". Тўғрисини айтганда, бундай эътироф атрофда кечаётган сиёсий воқеаларни бироз бўлса-да кузатиб турган кишини ҳеч бўлмаганда, таажжубга солади. Азиз Майкл, аччиқ ҳақиқатни чучуклаштириш нима учун керак? Ахир ўша дамларда АҚШнинг ташқи сиёсатида Ўзбекистонга нисбатан ҳеч қандай аниқ йўналиш бўлмаганди-ку!

Ўшанда АҚШ янги мустақил давлатга ё ишонмаган эди ёки кейин нима бўлишини кутиб пайт пойлаётганди. Шундай бўлса-да, энди барпо бўлаётган давлат учун энг қийин кечган дастлабки йилларда Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, моливий жиҳатдан Россияга тобеликдан озод бўлишга қаратилган ўз сиёсатини мустақил равишда ишлаб чиқишга эришди.

Бу жараён осон кечмади, чунки гўёки "тирик тан"ни бўлаклагандек минглаб ўзаро боғлиқ алоқаларни бирдан узишга тўғри келди. Қийин ҳолатларни бошдан кечираётган ёш давлатни АҚШ ўз сармоялари таъсири орқали иқтисодий қўллаб-қувватламади.

Ҳатто Афғонистонда қуролланган толибонлар томонидан ҳукуматнинг қўлга олиниши оқибатида вазият бирдан ёмонлашган, толибонлар томонидан қўллаб-қувватланаётган ЎИҲ (Ўзбекистон Ислом ҳаракати) экстремистлари тинч аҳолига қуролли ҳужумлар қилган ва терактлар уюштирган пайтда ҳам АҚШ ва дунёнинг бошқа давлатлари пайт пойлашда давом этдилар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Президенти И.Каримов жаҳоннинг энг юқори минбарлари орқали ҳудудда экстремизм хавфи ўсиб бораётгани ҳақида огоҳлантириб неча бор мурожаатлар қилганди! Барибир на АҚШ, на жаҳоннинг энг демократик мамлакатлари деб ҳисобланувчи бошқа давлатлари ўз ёрдамларини таклиф қилмадилар. Шундай бўлса-да, бизнинг халқ ютиб чиқди. Қуролли Кучларда ўз вақтида ўтказилган ислоҳотлар шарофати туфайли ташқаридан бўлиши мумкин бўлган қуролли хуруж хавфи бартараф этилди, экстремист тўдалар эса йўқ қилинди.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ.
2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Саломатлик тадбири

"МУРУВВАТ" ПОЕЗДИ

унинг беғараз ёрдами энг чекка қишлоқларга ҳам етиб боради

Республикамизнинг энг чекка ҳудудларидаги муҳтож аҳолига юқори малакали тиббий ва мурувват ёрдамини кўрсатиш, тиббий-ижтимоий патронаж хизмати кўрсатишни ташкил этиш Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан ишлаб чиқилган давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ушбу дастур ижроси борасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар Қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат Акционерлик Компанияси ҳамкорлигида Урганч—Навоий—Нукус йўналишидаги "Мурувват" поезди ташкил этилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАЖ томонидан ажратилган махсус вагонларда 15 кишидан иборат юқори малакали шифокорлар гуруҳи республикамизнинг Хоразм, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туманларида истиқомат қилувчи аҳолига зарур тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида Тошкентдан йўлга чиқиб, жойларда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мурувват поезди доридармонлар, витаминлар, санитария-гигиена воситалари, ногиронлик аравачалари, кийим-кечак, оёқ кийимлар, болалар озиқ-овқатлари ва бошқа жиҳозлардан иборат бўлган мурувват ёрдамини аҳолининг эҳтиёжманд қатламига етказмоқда.

Жойларда тиббий-ижтимоий патронаж бригада вакиллари асосан болалар, хотин-қизларни, шунингдек, фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказадилар ва беморларга беминнат ёрдам кўрсатадилар. Шунингдек, ногиронлар, боқувчисиз қолган ва кўп болалик оилалар, болалар ва ўсмирлар, малакали шифокорлар кўригидан ўтади. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш режалаштирилган.

МУХБИРИМИЗ

Қалб даъвати

Сурхондарё вилояти

БУГУННИНГ ЭРТАСИ БОР

ёки алюмин заводидан кимга фойда, кимга зарар

Биз Ҳисор тоғ тизмаларининг шундоққина ўнгирида макон қурганмиз. Еримиз зар, сувимиз гавҳар эди. Тоғ бағридан сизиб чиққан зилол сув бир томони Тожикистоннинг Регар ва Ҳисор туманлари ҳудудига туташиб кетган бепоён далаларимизга, сўлим боғларимизга об-ҳаёт таратарди. Ёзнинг қайноқ кунларида ҳам бу ерлар ял-ял ёнарди, яшнаб турарди. Олтин куз фаслида боғларимиз шарбатга тўларди. Халқимиз дастурхони ширин-шакар меваларга тўлиб-тошарди. Гаппнинг рости, Дашнабот анори, олмаси, узумининг довруғи чет элларда ҳам маълум ва машҳур эди, рангидан одам тўярди. Негаки, соҳибкорларимиз боғларни парваришлашда кимёвий дориларни мутлақо ишлатишмаган. Табиий ўғитдан фойдаланишган.

Нега бу ҳолатни ўтган воқеалар сифатида эслаяпмиз. Бугунчи...

Тишлами тиш билан ўйнашадиган, ширин мазаси ҳафта-ўн кун оғиздан кетмайдиган мева маҳсулотлари ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охирига келиб аста-секин ўз тусини йўқота бошлади. Таъми ҳам тахирлашди. Дарахтларнинг барглари қовжиради. Сўлим далалардаги ранго-ранг гуллар авжи баҳорда ҳам сийрак ўсди. Ҳали ёз чилласи атрофни қиздирмай туриб, ям-яшил далалар заъфарон рангга кирди. Мусаффо тоғ ҳавосини симириб, юзидан қон томадиган соғлом ва бақувват одамларимиз ҳам йиллар ўтиши билан... Уларда тоғликларга хос ғайрат ва шижоат сўнгандек. Аёлларимиз орасида ҳеч қачон рўйхатга олинмаган касалликлар пайдо бўлди. Камқонлик кўпайди. Ҳатто наслда ҳам ўзгариш юз берди. Чорва молларимизнинг насли ҳам, маҳсулдорлиги ҳам пасайди.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Нега бир дашнаботликларгина эмас, балки Сурхон воҳасининг шимолий ҳудудида жойлашган Сариосиё, Узун, Денов туманлари халқи ҳаётида ҳам ана шундай ташвишли ҳодисалар юз бермоқда? Мутахассисларнинг аниқлашича, табиат ва жонзотлардаги салбий ўзгаришларнинг бош сабабчиси қўшни Тожикистон Республикаси Мирзо Турсунзода шаҳридаги алюмин заводининг фаолият кўрсатиши, унинг инсон саломатлиги ёмонлашиши, табиат бузилишига олиб келувчи сабаблар олди олинмасдан, фақат моддий фойдани ўйлаб ишлатилиши. Корхона чегара ҳудудда қурилган. Бу ердан Ҳисор тоғ тизмалари бўйлаб эсадиган шамол заводдан чиқаётган катта миқдордаги захри қотилни тўғри Узун, Сариосиё, Денов туманлари томон олиб ўтади. Қора тутуннинг турган-битгани фторли водород. Ундан нафас олаётган жонли табиат заҳарланмоқда. Одамзотнинг саломатлигига путур етмоқда.

Ўзбеклар андишали халқ. Узоқ йиллардан бери тожикистонлик биродарларимиз ишлатаётган алюмин заводи чиқараётган фторли водороддан азият чекётган бўлсак-да, шу пайтгача ҳеч бир келишмовчилик чиқармаган ҳолда заводнинг фаолияти тўхтатилиши, ундан тарқалаётган фтор моддасини инсонлар ҳаётига хавф солмайдиган даражага пасайтирилиши, бу борада реконструкция ишлари амалга оширилиши улардан сўралди, ҳатто илтимос қилинди. Ўзбекистон — Тожикистон Республикаларининг мутассадди раҳбарлари шартномалар ҳам имзолашди. Аммо тожикистонлик биродарларимиз заводдан бурқсиб чиқаётган фторли водородни чеклаш, камайтириш, тутун йўналишини ўзгартириш тўғрисида сўз бериб, унинг уддасидан чиқмадилар. Ваъда қоғозда қолиб кетяпти.

Биз эса энг яқин қон-қардошимиз бўлган халқ раҳбарларининг бундай муносабатидан ҳайронмиз. Ҳар ҳолда Ўзбекистонга боғлиқ ҳолда Тожикистон халқига озгина бўлса-да салбий таъсир ўтказадиган ҳолат бўлганда республикамиз раҳбарияти томонидан аллақачаноқ чора кўрилган бўларди. Биз бунга аминмиз.

Яна бир гап. Айни шу кунгача заводдан тарқалаётган захриқотил камлик қилганидек, улар корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва республиканинг Хатлон вилоятида яна бир алюминий заводи қуриш бўйича Россиянинг "Русалюминий"(РУСАЛ) компанияси билан шартнома имзолаганликлари ҳақидаги хабарлар матбуот орқали аён бўлгач, бу ҳолат халқимизни янада ташвишлантириб қўйди. Ҳозир Сурхон аҳлининг қарийб 45 фоизи Тожикистон алюмин заводининг фторли водороди билан заҳарланаётган ҳудудларида умргузаронлик қилмоқда. Бизнинг Дашнабот қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 5 та маҳалланинг 15870 фуқароси ҳам шу ҳисобга киради.

2005 йил — "Сиҳат-саломатлик йили" дастурига асосан ўтказилган тиббий текширувлар ва кўриклардан шу нарса равшан бўлдики, бўқоқ, камқонлик, бепуштлик, юрак хуружи, хафақон касалликлари билан оғриган қишлоқдошларимиз сони бир йилда 28 фоизга кўпайибди. Бунга ҳам қўшни мамлакатдаги алюмин заводи тарқатаётган фтор-водороди сабабчи эканлигини яшириб ҳам ўтирмаймиз. Халқимиз анор, узум, олма, ва бошқа хил мева маҳсулотлари етиштиришдан ҳар йили миллион-миллион сўмлаб даромад оларди. Эндиликда боғларимиздан қут-барака учди.

Қўшнилар билан ҳисоблашиб, уларнинг қалбига қулоқ тутиб яшашга нима етсин. Асли бу икки халқнинг ҳам азалий удумлари шунга асосланган. Ўзбек билан тожик бир китобнинг икки саҳифаси. Қиз бериб, қиз олишган, қуда-анда, қариндош-уруғ. Тили ҳам, дини ҳам, урф-одатлари ҳам бир. Ҳозир ҳам бу икки халқ бир-бирини шундай эъзозлайди. Шундай экан, тожик қардошларимиз раҳбарлари бугуннинг эртаси борлигини унутмасликлари, халқ иродаси билан ҳисоблашиб яшашлари, қалбига қулоқ тутишлари керак, бегуноҳ ўғил-қизлар, аёллар, нуроний қарияларга етказилаётган зиён-заҳматлар гуноҳи азим эмасми?! Бу одамгарчиликка тўғри келадими? Ахир, қарғиш эмас, олқиш олиш мусулмон аҳлига хос фазилат эканлигини унутмаслик керак.

Саидқул ЭШМИРЗАЕВ,
Сариосиё туманидаги Дашнабот қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Хосил — 2005

Хоразм вилояти

"БОЛТАБОЙ ОҚСОҚОЛ"— ОЛДИНДА

у ҳам фаолиятда, ҳам саховатда ўз хайрли ишлари билан элнинг эътирофини қозониб келаяпти

Отабой ака яна янги ташаббус билан майдонга чиқди: кўл атрофидаги қум барханларини ўзлаштириб, шу ерда пахтачилик билан шуғулланишга аҳд қилди ва Хива туманидаги Чинобод қишлоғида узоқ йиллар оқсоқол бўлиб ишлаган падари бузруквори номида "Болтабой оқсоқол" фермер хўжалиги ташкил қилиб, қумлоқни ўзлаштиришга киришди. Ерни маҳаллий ўғит билан тўйинтирди.

Янги ариқ-зовурлар қаздирди. Яхшилаб суғорди, ерни экишга тайёрлади. Хўжалик туман бўйича биринчи бўлиб чигит экишни бошлаб берган бўлса, пахта етиштириш давлат шартномасини вилоятда биринчи бўлиб бажарди. 27,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнерга яқин ҳосил йиғиштирилиб, давлатга 60 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта етказиб берилди.

— Ҳали ҳосилимиз кўп, — дейди Отабой Оллоберганов. — Қаранг, пахталар чамандек очилиб турибди. Яна камида 20 тоннадан зиёд пахта етказиб берамиз. Ҳосилни йиғиштириб олишда маҳалламиз фаоли Саидназар Бекжонов бош ҳамқишлоқларим яқиндан ёрдам беришаяпти. Бу йил пахтачиликдан 18 миллион сўм даромад олишни кўзлаяпмиз. Унинг 13 миллион сўми соф фойда бўлади.

Отабой ака балиқчилик ва пахтачиликдан келаётган даромад ҳисобидан кўплаб хайрли ишларни бошлаб, элдошлари ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиб келмоқда. Қишлоқдаги 18-мактабни ўз оталиғига олган. Мактабни таъмирлаш, жиҳозлар олиб беришда ҳар йили ўз моддий ёрдамини аямайди. Ўтган йили таълим даргоҳига энг замонавий компьютер тўпламини совға қилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларини кийим-бош, ўқув қуроллари билан таъминлайди. Яккаёлғиз, ногирон кишилар ҳолидан хабар олиб туради. Маҳалладошлари тўй-маъракаларининг бекаму кўст ўтишида яқиндан ёрдам беради. Хива шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳолидан хабарлашиб туради.

Саховатли инсонни Яратганнинг ўзи ярлақайди. Отабой ҳожи Оллобергановнинг иши бугун кун сайин ривож топиб бораяпти. Бу эса ҳиммати баланд фермернинг хайрли ишларни амалга ошириш йўлидаги имкониятларини янада кенгайтираяпти.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

«Кузги чақирув — 2005»

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги шу йил 2 сентябрдаги қарорида чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларни жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақириш кўзда тутилган. Қарорда муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олиниши ҳам кўрсатилган. Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув бўлими бошлиғи, подполковник Анвар САЛОМОВ мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимиз раҳбарининг катта ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий аҳамиятга молик ушбу қарори фуқароларни шу йил кузда Қуролли Кучлар сафига чақиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди А.Саломов. — Бу борада Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи эълон қилинди. Жойларда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув билан боғлиқ барча ишлар ушбу ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Ҳарбийлар, тегишли муассаса ва ташкилотлар вакилларидан иборат саралаш комиссиялари ташкил этилди. Туман ҳокимларининг ўринбосарлари — чақирув комиссияси раислари бошчилигида чақирилувчиларни хабардор қилиш ва уларнинг иконият-ларини ўрганишга оид масалалар юзасидан йиғилишлар бўлиб ўтаётир.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши ва сафарбарлик чақируви резервига олиниши зарур фуқароларни ўрганиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Тадбир давомида чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга олдиндан танлаб олинган чақирилувчилар август-сентябрь ойлари мобайнида тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунда кўрикнинг сифатли ва холисона бўлиши таъминланди.

Мазкур йўналишдаги тадбирларда, аввало, чақирилувчиларнинг соғлиғи, маълумоти, интеллектуал салоҳияти, оилавий шароити, жисмоний ва психологик тайёргарлиги пухта ўрганилиб, ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида баҳолар қўйилди.

Танлов чақирув комиссиялари иш бошлашидан бир ой олдин ўтказилди ва унинг натижалари барча чақирув пунктларида эълон қилинди. Танловда юқори балларга эга бўлган, соғлом, жисмонан бақувват ва руҳан тетик йигитлар Қуролли Кучларимиз сафига боради.

Қайд этиш керакки, чақирилувчиларни Қуролли Кучлар сафига тайёрлаш ишлари пойтахтимизнинг барча туманларида талаб даражасида ташкил қилинаётир. Бу масъулиятли иш, айниқса, Чилонзор, Сирғали, Ҳамза, Миробод ва Шайхонтоҳур туманларида яхши йўлга қўйилган.

Кузги мавсумнинг юксак савияда уюшқоқлик билан ўтказилиши кўп жиҳатдан жойлардаги чақирув пунктларининг қай даражада фаолият кўрсатаётганига боғлиқ. Шу мақсадда бошқармамиз томонидан чақирув пунктларининг ишини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шаҳар ва туманлар тиббий комиссиялари замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари ҳамда олий тоифадаги шифокор-мутахассислар билан тўла таъминланди. Собир Раҳимов туманида янги чақирув пункти ташкил этилди. Сирғали ва Миробод тумани чақирув пунктлари таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуна ҳамда мебеллар билан жиҳозланди.

Тошкент шаҳар йиғин пунктида эндоскопия кабинети фаолият юритмоқда. Мазкур кабинетга УЗИ, ЭФГДС ва ЭКГ аппаратлари ўрнатилиб, зарур тиббий текширувлар шу ернинг ўзида сифатли ўтказилаётир.

Шуни ҳам айтиш жоизки, шаҳардаги айрим чақирув пунктларининг ишини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Жумладан, Учтепа туман чақирув пунктида ёшларни тиббий текширувдан сифатли ўтказиш учун зарур шароитлар тўла яратилмаган. Хоналар кичик, мослаштирилган.

Бу эса шифокорлар учун муайян қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Шунингдек, у ерда шахсий таркиб билан саф тортиш ва спорт машғулотлари ўтказиш учун майдонча йўқ.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда давр талабларига жавоб бера оладиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз шакллантирилмоқда. Мақсадимиз Қуролли Кучларимиз сафига соғлом, жисмонан бақувват ва руҳан тетик ёшларни жўнатишга эришишдан иборат.

ЎзА мухбири
Турсунбой БОТИРБЕКОВ
суҳбатлашди.

Наманган вилояти

Муносиб тақдирланганлар

ТОПГАНИМНИ ДАСТУРХОНГА ТЎКСАМ ДЕЙМАН –

дейди Наманган шаҳридаги Халқлар дўстлиги маҳалласи тадбиркори Зокиржон Бодиров

Узоқ йиллар ҳайдовчи бўлиб ишлаган Зокиржон Бодиров мустақиллик йилларида тадбиркорликка қўл урди. Дастлаб Наманган шаҳрининг собиқ Давлатобод туманида ўзи истиқомат қиладиган кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида ошхона очди. Кейинчалик бу жой муҳожаз қаҳвахонага ва яна анча вақт ўтиб "Кўк сув" ресторанига айлантирилди. Шундан сўнг бу ресторанда Зокиржон яшайдиган Халқлар дўстлиги маҳалласининг фуқаролари тўй ва маросимларни бемалол ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.

— Биз Зокиржоннинг қилаётган хайрли ишларидан мамнунмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулло Абдуҳалимов. — Чунки у маҳалладан борини аямайди. Кейинги йилларда унинг ҳомийлигида 4-кичик мавзеда катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Ариқларга кўприклар қурилди. Йўлкалар асфальтланди, ахлатхоналар қурилиб, тозалик ва озодалик ҳолати яхшиланди.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Шу йилнинг баҳорида маҳалладаги Елена Цой истиқомат қиладиган хонадон ёнида кетди. Хонадон эгалари бошпанасиз, устига-устак, қуруқ қўл билан қолдилар. Шунда Зокиржон қурувчиларни топиб келиб, Елена холанинг хонадонини чиройли қилиб таъмирлаб берди.

Эндиликда "Кўк сув" фирмаси номини олган корхона раҳбари Зокиржон ака уларнинг ҳар бирига моддий ва маънавий кўмак кўрсатишга ҳаракат қилаяпти.

Дарвоқе, Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси томонидан эълон қилинган "Маҳалла жонкуяри" кўрик-танловининг республика босқичида Зокиржон Бодиров фахрли учинчи ўринни эгаллади. Бу хушхабар маҳалладошлари томонидан катта шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Бунга жавобан тадбиркор маҳалла ҳудудини янада обод қилиш, кишларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш ниятида. Ҳозир у келажакда ўндан ортиқ маҳалладошларини иш билан таъминлайдиган, аҳолига қатор қулайликлар яратадиган маиший хизмат шахобчасини барпо этиш режаларини тузмоқда.

Шер АЛИ

Ахборот ҳақиқат тарозусида

МАЙКЛни НИМА УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИҚТИРМОҚДА?

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ўзбекистоннинг НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастуридаги иштирокига келсак, унда, сиз ва биз кап-катта одамлармиз ва албатта бундан ким кўпроқ фойда кўргани ҳали номаълум эканини яхши тушунамиз. Бизнинг ҳарбий хизматчиларимиз, кейинчалик уларга асқотмаган "тинчлик ўрнатиш операциялари"ни виждонан ўзлаштирдилар. НАТОнинг солдатлари эса ҳамкорликдаги "тинчлик ўрнатиш" ўқувлари давомида ҳудудни чуқур разведка қилиш, устига-устак бизда ўнйиллар давомида ўзлаштирилган тоғли-чўлли ерлар шароитида амалий ҳаракатлар юритиш кўникмаларидан андоза олиш учун яхши имкониятларга эга бўлдилар.

2001 йилнинг 11 сентябрь воқеаларигина АҚШнинг сиёсий арбобларини Ўзбекистон Президентининг огоҳлантиришларига бошқа кўз билан қарашга мажбур этди. Ўзаро манфаатли бўлган ҳамкорликка интилиш ва қалб амри эмас, балки аччиқ эҳтиёж ва ҳарбий зарурат АҚШни Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа давлатлари билан тезкор равишда стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга мажбур қилди. Ва янаям террористлар ва экстремистларнинг қабиҳ зарбаларидан азият чеккан, диний экстремизм даҳшатини бошидан ўтказган, дунёни огоҳ этган халқимиз иродасига балли. Чунки айнан Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўзининг Хонободдаги аэродромидан фойдаланилишига рози бўлди.

Дарвоқе, мақола муаллифининг ўзи ҳам тан олмоқда: "Бу мамлакатнинг Қарши-Хонобод базаси ҳудудда Америка ҳарбий ҳаракатларини таъминлашда катта роль ўйнади". Демак, америкалик меҳмонларимиз "бу мамлакатнинг" меҳмондўстлигидан мамнунлар. Хўш, уларнинг ўзлари бизнинг халқимизни мамнун қилиш, унинг ҳаётини бирозгина бўлса-да яхшилаш учун нима иш қила олдилар? Афсуски, биринчи даражали ҳарбий базамиздан мутлақо бепул фойдаланган ҳолда, америкаликлар ўзлари яқиндагина орттирган стратегик ҳамкорининг иқтисодий тараққиёти йўлида ҳаттоки бир доллар ҳам сарфламадилар.

Ҳар ҳолда муаллифнинг ўзи тан олганидек, нима учун америкаликлар бизнинг раҳбариятимиз тимсолида ишончли иттифоқчини кўрмадилар? Балки мен адашаётгандирман, лекин таваккал тахминимча, ёниб турган гулханни ўзгалар қўли билан йиғиштиришга одатланиб қолганликлари боис, улар ўзбек солдатларининг Америка манфаатлари йўлида қон тўкиш учун на Афғонистонга, на Ироққа йўл олмаганидан ранжиган бўлсалар керак. Президент И.Каримовнинг мустаҳкам ва мустақил сиёсати, унинг ўз мамлакати, ўз халқи манфаатларини таъминлашдаги қатъий йўналиши америкаликларнинг ғашини келтиргани аниқ. Бу ўринда муаллиф бизнинг Президентимиз ҳақида ҳаққоний сўзлайди: "унинг саъй-ҳаракатлари Ўзбекистонда бу ҳудуд мамлакатларига унча хос бўлмаган барқарорликни таъминламоқда".

Мамлакатда тартиб ва хотиржамлик барқарор экан, нима учун бу америкаликларни қониқтирмаслиги керак? Жавоб оддий: "Ахир бу ҳолатда, — дея эҳтиёткорона қайд этади муаллиф, — ҳукумат кишилари ҳеч кимга ҳисоб бермайдилар ва исталган вақтда ўз масъулиятларини адо этишдан воз кечишлари мумкин". Ҳа, мана қаерда "ит кўмилган экан". Йўқ, аслида М.Макфолни Ўзбекистонда демократия тараққиёти эмас, балки мустақилликка эришган халқни ўз ихтиёрига бўйсундириш имкони йўқлиги хавотирга солмоқда! Қачонки америкаликлар томонидан ўзига яқин олинмаган "Ўрта Осиёдаги бу янги ҳамкор Россия Президенти Владимир Путин билан яқинлашганда ва Америка қўшинларининг ҳудуддан олиб чиқилишини талаб қилганда" эса, улар дарҳол "бизнинг И.Каримов билан яқин алоқаларимиз президент Жорж Бушнинг "Эркинлик доктринаси"га сира тўғри келмайди" деган хулосага келмоқдалар.

Ушбу сўзлардан сўнг сиёсатшунослик кафедраси профессори, муҳтарам М.Макфолнинг кейингги йилларда мунозарали китобчалар ва шубҳали мақолалар ёзишдан бўш вақтларида нималар билан машғул бўлганини диққат билан кузатиш ортиқча бўлмайди. Дарвоқе, мен адашаётганим йўқ. Унинг китобчалари мунозарали, мақолалари эса шубҳали экани ҳақида интернетнинг Майкл номи қайд этилган ҳар қандай сайтида ўқиш мумкин. Ахир у расман Россияда демократиялаштириш ва ислоҳотларнинг бориши, Америка ташқи сиёсати масаласи билан шуғулланади. Норасман эса "демократия мавжуд бўлмаган мамлакатларда сиёсий тузумни алмаштириш" билан банд. М.Макфол қаерда "рангли" инқилобнинг иси чиқса, ўша ерда ҳозиру нозир. Охирги вақтларда у, жумладан, Гуверов институтида Эрон масаласи билан боғлиқ бўлган катта лойиҳани бошқармоқда. Сабаби... Бугунги кунда ушбу мусулмон давлати ва АҚШнинг унча яхши бўлмаган муносабатлари ҳақида ким ҳам билмайди, дейсиз?

Ҳар бир соғлом фикрловчи кишида беихтиёр шундай фикр туғилади: хўш нима учун "инқилоблар ташкилотчиси" бўлган М.Макфол тўсатдан бизнинг мамлакатимизга нисбатан, юмшоқ айтганда, нодўстона чиқишлар қилмоқда. Ҳатто, ўқувчиларимизга яна бир бор эслатамиз, қони қайнаб қачонлардир уни Ўзбекистондан қувиб чиқарганлари ҳақида ёлғонни тўқиб-бичмоқда!?

Муаллиф зўр бериб "Ўзбекистонда сиёсий портлаш вазияти"ни юзага келтирувчи хавф ҳақида гапирмоқда. Кечирасиз, қадрли Майкл, сизгача бу ерда ҳамма нарса осойишта эди. Эҳтимол сизни бундан ўн тўрт йил аввал эмас, балки жуда яқиндагина, образли айтганда, эҳтиёткорона ва қатъий тарзда Ўзбекистондан "кузатиб қўйишгандир". Айни кунда Андижонда қўлга олинган террористлар устидан кечаётган очиқ суд жараёнида хориж махсусхизматларининг "ҳомийликлари" тез-тез тилга олинмоқда. Судланувчилар ўзлари содир этган жиноятларга тавба қилиб, ўзбек халқига шунча ғамалам келтирган ўша қонхўрликларни режалаштириш, тайёргарлик кўриш ва ўтказишни молиялаштирган шахсларни номма-ном айтмоқдалар.

Албатта, Ўзбекистонда "кимнинг ким эканини" яхши тушунадилар.

Қўлга тушмас М.Макфолнинг қўлга тушмаслиги боиси шундаки, у Америка сиёсатининг анчагина нохолис йўналишларини кўздан пана қилгувчи холос. У, ўз мақоласининг хулоса қисмида ёзганидек, қўлларига автомат ва бомба тутган гангиб қолган ёшлар ва дин фанатларининг "мамлакатда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни ҳозиргидан анча мустаҳкамлаш кафолатини берувчи демократик институтларнинг юзага келишига кўмаклашиш"га имконият изловчи холос.

Аҳмад РИЗАЕВ,
"ЦентрАзия", 2005 йил 24 сентябрь.

Андижон вилояти

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ОРДЕНЛИ УСТОЗ — МУНИСХОН ХОЛА

Фозилжон ота билан Мунисхон хола газета мутолаа қилишаётганида дарвоза тақиллаб қолди. Дарвозани очган Мунисхон хола қўлларида гул кўтарган шогирдлари — Муножат Эшматова ва Шаҳноза Абдураҳимоваларга кўзи тушди.

— Келинглар, қизларим, келинглар! Аяларингизни йўқлабсизлар, сизларни Аллоҳ йўқласин!

Ҳамма ўтиргач, Фозилжон ота дуога қўл очди. Шундан кейин "Ойимтекстиль" Ўзбекистон — Швецария қўшма корхонасида ишлаётган қизлар пахтадан ажойиб газламалар тўқилаётганлиги, уларни шу Ойим қишлоғидан чиққан ёшлар ишлаб чиқараётганлигини, яқиндан бошлаб эса бу газламалар ажойиб рангларга бўяла бошлаганлигини қувониб ҳикоя қилдилар. Қизларнинг мароқли суҳбати Фозилжон ота ва Мунисхон холага ўзларининг ёшлик чоғларини эслатиб юборди...

Фарғона педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини битириб, қадрдон қишлоғига қайтган ва мактабда ишлай бошлаган Мунисхонга шу қишлоқлик ҳамкасб йигит Фозилжон Сиддиқовдан совчи келди. Ёшларнинг кўнгилларига тўғри келиб, орадан кўп ўтмай тўй ҳам бўлди. Йиллар ўтиб бир этак болали бўлишди. Мунисхон опа астойдил ишлар ва кўп ўтмаёқ туманда илғор муаллимлардан бирига айланди. Болалар ҳам улғайиб ота-оналари сингари ўқитувчилик касбини танлашди. Орадан 45 йил қандай ўтганлигини сезмай ҳам қолишди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси Мунисхон Абдураҳимова ана шу хизматлари учун ўтган йили Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Бу катта мукофот онахоннинг кўзларига нур, белларига қувват берди. У мактабда яна ҳам астойдил ишлай бошлади.

— Биз Мунисхон холамизнинг бой тажрибасидан унумли фойдаланаяпмиз, — дейди Жалақудуқ тумани Ойим қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Кўкалан маҳалласи оқсоқоли Абдувосит Қодиров. — Онахонни маҳалладаги каттаю кичик билганлиги учун у жуда кўп тадбирларимизга бош-қош бўлади. Айниқса, байрамларда, халқ шодиёналарида холамиз янада ғайратга тўлиб кетадилар. Чунки у киши жуда кўп халқ термалари, ғазалларни, шеърларни ёддан билади ва чиройли қилиб одамларга етказа олади.

... Устоз ва шогирдларнинг суҳбати узоққа чўзилмади. Қизлар кетишга руҳсат сўрашди. Мунисхон хола уларни дарвозанинг тагигача кузатиб қўйди. Байрам арафасида қадимий Ойим қишлоғидаги бу хонадон янада гавжум бўлиб қолди. Ота-онасининг изидан борган ўғиллар, қизлар, неваралар, кўплаб шогирдлар кекса педагогларни йўқлаш учун ташриф буюрмоқдалар.

Бугунги турмушимизнинг мазмуни ва моҳияти, яшаш шароитимизнинг гўзал бўлиши кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Буни муаллимлар оиласи бўлган Фозилжон ота ва Мунисхон холаларнинг ҳаётида ҳам кўришимиз мумкин.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Сурхондарё вилояти

Аллаберди Шойимқулов олийжаноб инсон эди. У билан мактабда ва туманда бақамти ишлаган йилларимда у зотнинг танти, мард, ҳалол ва виждонли, касбига эътиқодли, мутахассислиги бўйича билимдон, одамларга меҳрибон, саховатпеша инсон сифатидаги фазилатларини қалбимнинг қат-қатига жо этганман.

КОФУРИНЛИК МУРАББИЙ

унинг хотираси бугун фидойи педагог ва жонкуяр инсон сифатида тумандошлари ва шогирдлари ёдида абадийдир.

Инсон ҳаётида қувончли дамлар бисёр бўлади. Ўз даврида Аллаберди Шойимқулов ҳам бундай бахтдан бенасиб эмас эди. У киши ҳаётлигида сўнгги марта ўзи гувоҳи бўлган бир унутилмас воқеани сўзлаб берганди...

Хушхабарнинг қаноти бор, дейдилар. Аллаберди биродаримизнинг суюкли фарзанди, Ўзбекистон Миллий Университети кафедра мудири Баҳодиржон фалон куни фан докторлиги учун диссертация ёқлармиш, деган хабар бир кунда фақат кофуринликларга эмас, балки Бойсун шаҳри бўйлаб тарқалди. Бу янгиликдан маҳалладошлар, зиёлилар, дўсту ёрлар, қавму қариндошлар, хусусан, Шойимқуловлар хонадони аъзолари бениҳоя шод эди. "Қувонмай бўладими, — дейди, кофуринлик отахон, педагог, Иккинчи жаҳон уруши ногирони, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси Хушвақт бобо Ғаффоров. — Ахир, туманимиздаги маданият, маърифат дарғалари сафига яна бир вакилимиз, фан докторидан — ўн иккинчиси қўшилмоқда. Бошқача айтсам, Сурхон воҳасидан етишиб чиққан фан докторларининг чорак қисми бойсунликлар ҳиссасига тўғри келади. Албатта, бу бизнинг ифтихоримиз-да!

Баҳодир Шойимқуловнинг падари бузруквори, волидаи муҳтарамаси, ака-укалари бошчилигида бир гуруҳ бойсунликлар жорий йилнинг ёзида Тошкент шаҳрида бўлиб, унутилмас тантаналарда иштирок этишди. Баҳодиржон физика-математика фанлари докторлиги илмий даражаси учун диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Аллаберди Шойимқулов учун эса бир ойча муқаддам ана шу кўрганкечирган қувончли дамлар сўнггиси ва абадиятга дахлдор бўлиб қолди.

Меҳнат ва ижтимоий фаолиятини Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилида, ўспиринлик чоғида бошлаган Аллаберди Шойимқулов ҳаётнинг қирқ беш йиллик машаққатли йўлини босиб ўтгач, қарилик нафақасига чиққан эди. Халқ таълими тизимида ўн бир йил ишлаб, ёш авлодга билим ва тарбия бериш учун ақл-заковатини, хўжалик фаолиятида эса чорак асрдан кўпроқ тажриба ва кучғайратини аямади. Қишлоқ оқсоқоли сифатида эл-юрт ҳурматига, мукофотларга сазовор бўлди. Комил фарзандларни тарбиялаб ўстирди.

Инсон умри чекланган. Лекин у ўзининг эзгу ишлари, оқил ва комил фарзандлари билан ҳаётда хайрли из қолдиради. Хотирлаётган дўстимиз, забардаст муаллим, ўзбек тили ва адабиёти мутахассиси, қишлоқ оқсоқоли Аллаберди Шойимқулов ана шундай инсон эди.

Очил ПАРДАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Олам турфа

ЧАПАҚАЙЛАР ХАВОТИРЛАНМАНГ

Шу пайтгача чапақайлар ўнақайларга қараганда ўртача 14 йил кам умр кўради, деган гап юради.

Бу эса ўз ўрнида чапақайларни анча ташвишга соларди. Бироқ энди улар хавотирланишмаса ҳам бўлади. Юқоридаги "башорат" тасдиқланмади.

Хорижлик олимлар олти ой давомида 65 ёшдан ошган 3374 киши ўртасида тадқиқот ишлари олиб боришди. Натижа шундай бўлдики, ўнақайлар орасида ўлим 32,2 фоизни, чапақайлар орасида эса 33,2 фоизни ташкил этди.

ЭРКАКЛАР ҚАҲВА ИЧМАНГ!

Берлин соғлиқни сақлаш Вазирлиги олимларининг тасдиқлашича, қаҳвани кўп истеъмол қилган эркак киши инфаркт касалига дучор бўларкан.

Ҳатто бир пиёла қаҳва 18-20 ёшлит йигитлар қонидаги холестерин моддасини ошириб юборади. Кейинги вақтда немис халқи қаҳвани ниҳоят даражада кўп истеъмол қилишмоқда, ҳатто пиводан олдин ҳам бироз қаҳва ичиб олишади. Статистик маълумотларга кўра, улар бир йилда 198 литр қаҳва ичишса, 140 литр пиво истеъмол қилишаркан. Шунинг учун бўлса керак, бу ерда юрак-томир касаллиги борган сари кўпайиб бормоқда.

СОҚОЛ ЗАРАРЛИМИ Ё МЎЙЛОВ?

Иккаласи ҳам дейишмоқда америкалик тадқиқотчилар. Айтишадики, америкалик олимлар одамни зериктириб қўйишмайди, дев. Аммо нимадир ўйлаб топишади — ё кулишини вилмайсан, ё йиғлашинги. Уларнинг низоҳидан ҳатто соқол ва мўйловлар ҳам қочиб қутулишолмади.

Америка дорилфунунларидан бирининг олимлари мўйлов ва соқолли кишилар юзасидан тадқиқот ишларини ўтказишди. Уларнинг фикрича, соқол ё мўйлов қўйиш ўз умрини бир неча йилга қисқартириш билан баробар экан. Яъни, ҳозир ҳаво илгаригидек тоза эмас, бутун экология мувозанати бузилган бугунги давримизда соқол-мўйловларга заҳарли ҳаво ўтириб қолади. Сўнг нафас йўллари орқали одам ўпкаси ва аъзоя баданига тарқалади.

Агар соқол-мўйловини қиртишлаб юрганлар учун ҳам чекиш зарарли бўлса, соқоллилар учун эса зараллилик даражаси 5-7 марта кўп бўларкан.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Тошкент шаҳри

КЎПНИНГ ИШИ КЎПГА ТАТИЙДИ

Маҳалла ишида шундай талаб бор: кўпнинг иши кўпчилик билан битади. Агар маҳаллада фуқаролар аҳил яшашга, эзгу ишлар йўлида бирлашишга одатланмаган бўлса, бу ерда маҳалланинг бошчиси қанчалик тажрибали, ташкилотчи ва ташаббускор бўлмасин, муваффақиятларга эришиш қийин кечади.

Чилонзор туманидаги Шайхзода номли маҳаллада амалга оширилган хайрли ишлар ҳақида гапирганда ҳам аввало кўпнинг хизматини эътироф этишга тўғри келади. Фуқаролар йиғинига бир неча йилдирки Хайрулла Ғуломов бошчилик қилади. Йиғиннинг фидойи ходимлари, фаоллар — оқсоқолнинг қаноти. Хусусан, фуқаролар йиғини котиби Д.Мансурова, маслаҳатчи Д.Примқулова, посбонлар сардори И.Маҳмудовлар ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик, ободончилик ҳамда осойишталикни таъминлаш ишларига бош-қош. Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси А.Раҳимжонова маҳалла хотин-қизлари ўртасида ишсизлик муаммоси ҳал этилишига яқиндан кўмаклашаяпти.

Айни кунларда ҳам оқсоқол Хайрулла Ғуломов хайрли иш тараддудида. У умумхалқ байрами — ўқитувчилар ва мураббийлар кунида маҳаллада яшовчи устоз-мураббийлар, фахрий педагоглар учун катта байрам тадбири уюштириб, уларни рағбатлантириш ниятида.

Павел СИЛИН, фахрий педагог.

Замондош аёл журъати

Шўролар тузуми даврида маҳалла йиғинлари тизим сифатида деярли ҳеч қандай мавқега эга эмасди, бу — ҳеч кимга сир эмас. Ўша даврда маҳаллага фақатгина эркак киши бошчилик қилиши керак деган тушунча ҳам кишилар онгига ўрнашиб қолганди. Чунки маҳалла оқсоқоли фақат эркаклар бажариши кўзда тутилган у ёки бугина ишларни адо этарди, холос.

ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОНИНГ ЕЧИМИ — ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТДАНДИР!

Мустақиллик йилларида маҳалла жамиятимизнинг пойдевор тизимларидан бирига айланиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мавқеи ва ваколатлари ошди. Энди маҳалла йиғинига раислик қилиш ҳазил иш эмас — бунинг учун ташкилотчиликнинг ўзи камлик қилади, раислик қилувчи сиёсий-маърифий ва ҳуқуқий билимдон, дунёдаги, жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодисадан огоҳ шахс бўлиши шарт.

Буни қарангки, маҳалла тизимидаги чуқур ва кенгқамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугунги кунга келиб катта-катта маҳалла йиғинларига муваффақиятли раислик қилаётган қатъиятли аёллар сони ҳам ортиб бормоқда. Энг муҳими, улар бу масъулиятни ҳатто бошқаларга ўрнак бўларли даражада адо этмоқдалар. Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги Аҳмад Яссавий номли маҳалла йиғини раиси Шоира опа Тўлагановани ҳам шундай инсонлар сирасига қўшиш мумкин. Маҳаллада беш мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Шоира опа беш йилдан буён йиғинга бошчилик қилмоқда. Шу давр давомида маҳалла фаолиятининг барча йўналишларида — ижтимоий муҳофаза, ёшлар тарбияси, жиноятчилик ва диний оқимларга қарши кураш, тўй-маъракаларни камхарж ўтказиш, ободонлаштириш борасида самарали ишлар қилинаётгани маҳалладошларнинг кўзи ўнгида. Маҳалладошлари Шоира опанинг ўта куйинчак, куйди-пишди эканлигини, бирон тадбирга қўл урганда эркагу аёл, ёшу қарининг бошини қовуштира олишга қурби етишини тан олишади. Унинг асл касби шифокор, айни кунда опанинг бу фаолияти ҳам қизғин кечмоқда. Рўзғор ташвишлари, икки фарзанд тарбияси, маҳалла йиғинидаги битмас-туганмас ишлар... Беихтиёр "Бунча юмуш учун Шоира опани нима илҳомлантирар экан-а?" деган хаёлга бордим. У кишига шу саволга қуйидаги жавобни берди:

— Аёл киши жамиятда қандай вазифани адо этмасин, бу уни оиладаги бекалик, оналик масъулиятидан озод этмайди, албатта. Аввало ўз касбимни ҳам, маҳалладаги фаолиятимни ҳам жуда қадрлайман, шу боисдан маҳаллага бошчилик қилишдек масъулиятли ишга журъат қилганман. Қолаверса, рўзғор ташвишларини ҳар ишда суянчим бўлган турмуш ўртоғим, фарзандларим енгиллатиб туришади. Менимча, эркак кишининг оиладан ташқари фаолияти учун касб-кори етарли бўлса, аёлнинг остона ҳатлаб кўчага чиқиб, бирон касбни эгаллаши, фаолият юритиши учун аввало оиласидан, фарзандларидан кўнгли тўқ бўлиши шарт.

Аслида мени маҳалла ишларига аралашиб қолишимга касбим сабабчи. Гинеколог-шифокор бўлганим боис маҳалламиздаги аёлларнинг саломатлигига оид муаммолар доимо кўз ўнгимда бўлган, бу муаммоларнинг негизи нимада эканини мутахассис сифатида яхши тушунардим. Лозим бўлганда маслаҳат берардим, лозим бўлганда ҳатто уларнинг оила аъзоларига мурожаат ҳам қилаверардим. Йиғин раиси этиб сайлангунимча тўрт йил давомида хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси сифатида фаолият юритганман. Айни кунда ҳам аёллар саломатлиги масаласи ўз долзарблигини йўқотмаган. Шу соҳа мутахассиси бўлганим маҳаллада бу йўналишдаги ишларни йўлга қўйишда жуда асқотади. Айниқса, ёш оилаларда тиббий маданият, қайнона-келин муносабатлари диққат-эътиборимизда туради.

Бошқа ташкилий ишларни кўпсонли фаолларимиз шижоати билан эплаймиз. Маҳалламиз 12 та кўп қаватли уйдан ташкил топган, бундай шароитда йиғин фаолиятини юритишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ҳаётий тажрибаси катта инсонларимиз кўп, улар ҳамиша умум ишига ҳозиржавоб туришади. Бу аёл боши билан нега бизни йўлга солаяпти, қабилидаги муносабатга ҳалигача дуч келмадим. Бунинг учун маҳалладошларимга раҳмат. Ҳар қандай муаммонинг чораси ғайрат-шижоатдир, деган шиоримиз бор. Бу шиорга йиғинимиз ходимлари ҳам, маҳалладошларимиз ҳам амал қилишади.

М.ҚОСИМОВА

Ҳамжиҳатлик самараси — маҳалла ободлиги, эканини маҳалладошлар яхши билишади.
СУРАТДА: *Шоира Тўлаганова маҳалла фаоллари билан.*

Фуқаролар йиғини раиси: у ким, қандай одам бўлиши керак?

ОҚСОҚОЛ ФУҚАРО ЙЎЛИГА ҒОВ БЎЛСА...

...1991 йилда Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгаши ижроия қўмитаси қарори ва ундан сўнг шу асосда собиқ Октябрь (ҳозирги Шайхонтоҳур) тумани ижроия қўмитаси қарори билан Литвинов номли маҳаллада чойхона қурилишини амалга ошириш учун маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфига 15 сотих ер ажратилди. Аммо бу иш катта маблағсиз битмасди. Маҳалла ҳисобида эса умуман маблағ йўқ эди ва у даврда (мустақилликка эришиш арафасида) бўлиши ҳам мумкин эмасди. Шу боисдан чойхона қуриш учун ер маҳалла фуқароларининг бирига бериларди. Бу жойда чойхона қуришни маҳалла аҳли илтимосига кўра ўз зиммамга олдим. Кўп ўтмай қурилиш ишларини бошлаб юбордим. 1995 йилга келиб маҳаллада менинг ҳисобимдан бунёд этилган чойхона ишга туширилди. Бу орада маҳалланинг номи Жар Ариқ деб ўзгартирилди ва Генерал Узоқов кўчасида жойлашган ўша чойхона биноси эса қўшни Шоилҳом Шоюсупов номли маҳалла ҳудудига ўтди.

Бугунги кунга қадар чойхона менинг тасарруфимда. Унинг барча коммунал ва солиқ тўловларини ўз вақтида тўладим. Кези келганда чойхонадан олган даромадимдан маҳаллага, ночор оилаларга имкон қадар кўмаклашдим. Аммо собиқ Литвинов номли маҳалла фуқаролар йиғинининг ва аҳолининг розилиги билан қурилган бу чойхонани анча йиллар ўтиб расмийлаштиришга киришганимда, Ш.Шоюсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдупаттоҳ Назаровда бинога даъвогарлик қилиш истаги уйғонди. Оқсоқол гўёки одамлар мендан норозилигини айтиб, чойхона маҳалланики бўлиши керак, боз устига, Абрормурод Пўлатов ночорларга ёрдам бермайди, маҳаллага даромадидан улуш ажратмайди, солиқ ва коммунал тўловларни тўламайди, масжиддан улуш олади, у ўзига тўқ (бу ўринда менинг номимга ҳақоратли сўз ишлатилган) инсон, чойхона ери кўпроқ маҳаллага керак, деган талаблар, аниқроғи туҳматлар билан судга даъво аризаси уюштирди. Бу даъвога одамлар, қариялар номини тиркаб, уларни судма-суд овора қилди, даъво аризасида яна бизни уюшган гуруҳда, халққа қарши фаолият юритаётганликда айблади. Ўзи эса судга вақтида келмасдан кўпчиликни, хусусан, судни овора қилди. Ҳолбуки, бу чойхонани мен шахсий маблағимга битказганимни, қурилишда ҳашар ёки ҳомийлик ёрдами бўлмаганини, бугунги кундаги ишлар ҳам фақат шахсий маблағлар ҳисобига бўлаётганини, маҳалла идораси бу чойхонадан анча нарида бўлиб, у ерда идора иши учун ва тадбирлар учун барча шарт-шароитлар мавжудлигини ҳамма билади ва буни судда гувоҳлар ҳам айтишди. Бундан ташқари, А.Назаровнинг менга қарши уюштирган даъво аризасига бир гуруҳ маҳалла фуқаролари номидан деб ёзиб, ундаги кўпгина фамилиялар изидан ўзи сохта имзо чеккани суд жараёнида аниқланди. А.Назаров маҳалла фаровонлигини баҳона қилсада, аслида унга қарши иш қилаяпти. Чунки маҳаллада чойхона бунёд этилган. У оқсоқол айтганидек аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Уни эса бошқа нарса ташвишга солаяпти: бу чойхонанинг эгаси у эмас. Мана шу унга маъқул эмас. Хўш, бунинг қандай ёмон томони бор? Мулк меники эканлигини оқсоқол тушунмаганлигини қўяверинг, лекин бу ўринда мақсад ҳам тушунарсиз. Мен ҳам маҳалла аҳлига хизмат қилаяпман-ку. Чойхона оқсоқолники бўлса, аҳолига бепул чой, овқат, хизмат уюштирармиди? Ёки даъво аризасида ёзганидек маиший бинолар қурадими? Хўш, уларни мен қурсам-чи? Шу қулайликни мен яратсам гуноҳу, оқсоқол яратса савобми? Майли, яратсин, лекин бировнинг мулкини тортиб олиб эмас-да. Тадбиркор ночорларга ёрдам бермайди, деган даъво эса — мутлақо асоссиз. Мен бу хусусда ҳамиша қайғуриб келганман. Буни маҳалла аҳли яхши билади. Қолаверса, меҳр-мурувват, саховат — кўнгилнинг иши. Тадбиркор фалон куни фалон кишиларга ёрдам кўрсатдим, деб керилиши, бу ҳақда фуқаролар йиғинига ҳисоб бериши ҳам шарт эмас.

Шу ўринда маҳалла идораси учун бино зарурдир, деган ўйга бориш мумкин. Бунга мутлақо ҳожат йўқ. Чунки йиғин идораси яхшигина бинода жойлашган. Энг қизиғи, идоранинг шундоққина биқинида мўъжазгина чойхона ҳам ишлаб турибди. Шундай экан, оқсоқолнинг идорадан анча олисдаги чойхонага — бировнинг мулкига нега "меҳри тушиб" қолди? Нега инсон ҳуқуқларида одил бўлиши лозим бўлган судда ўз маҳалладошига, тадбиркорга ёрдам бериш ўрнига унинг йўлига атайин ғов бўлди. Шу мақсадда судга ёлғон маълумот берди, сохта имзолар уюштирди. Наҳотки оқсоқол деганига шундай "хислат" ярашса?..

Абрормурод ПЎЛАТОВ, Шайхотоҳур туманидаги Шоилҳом Шоюсупов номли маҳалла фуқароси.

ТАҲРИРИЯТДАН: йиғин раисининг қандай одам бўлиши ҳақида газетамиз орқали ўқувчилар билан мунтазам фикрлашиб борамиз. Юқоридаги хат муаллифининг гапларига бир шахсий мулоҳаза сифатида қараш мумкин эди. Лекин бу ўринда оқсоқол фаолиятида жиддий хато, ҳатто қонунбузарликлар борлигини бошқача баҳолаш керак, деб ўйлаймиз. Зотан кичик бўлса-да бир ҳудуд аҳлига бош бўлиш учун оқсоқолнинг ўзи ҳар қандай қонунбузарликдан йироқ бўлиши зарур. Бу масалага ойдинлик киритишни ва якун ясашни тегишли идоралар ҳамда йиғин кенгашидан сўрар эдик.

Наманган вилояти

МАҲАЛЛАГА ГАЗ КЕЛДИ

Чуст тумани Оғасарой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Балиқчи маҳалласи аҳолиси қувур орқали олиб келинган зангори оловдан фойдалана бошладилар. "Сантехгазмонтаж" ҳиссадорлик жамияти муҳандис-техник ходимларининг астойдил қилган меҳнатлари туфайли салкам бир ойда уч километр масофага темир қувурлар ётқизилди. Ҳаммаси бўлиб бу ишга 45 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

— Халқимизнинг азалий одати бор, — дейди Оғасарой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдуғаффор Тўйчиев, — бирор катта иш бошланса, одамлар ўз-ўзидан ишга киришиб кетаверади. Маҳаллани газлаштириш ишларида ҳудудимиздаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, туман "Қишлоқхўжаликкимё" ҳиссадорлик жамиятлари жамоалари ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мустақиилик йилларида вилоятнинг 15 та қишлоқ ва маҳаллаларини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. 232 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

У.САКСОНБОЕВ
"Mahalla" мухбири.

Бозорларимиз тарихидан

ОСИЁНИНГ ЎЗИГА ХОС САВДО МАРКАЗИ

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

Тошкентни истило қилишда қатнашган рус рассоми В.Верешагин шаҳар бозорлари ҳақида шундай хотирлайди: ***"Мен кўрган Шарқ шаҳарларидаги бозорларнинг ҳеч бирини катталиги жиҳатидан Тошкент бозорларига тенглаштириб бўлмайди. Бу ердаги дўконлар гарчи кичик бўлса-да, уларнинг сон-саноғига етиш қийин. Шунингдек, Тошкентда дўкондорлик ҳунари билан шуғулланмайдиган бирор кишини учратиш ҳам маҳол...***

Ҳамма дўконлар бир-бирига ўхшайди. Ҳафтада уч кун — чоршанба, жума ва якшанба кунлари бозор бўлади. Туш маҳали бозор қизийди, савдо жонланади. Бу пайтда кўчаларда эшак ва туяларнинг кўплигидан юриш қийинлашади.

Бозорда мато билан савдо қилувчилар кўпчиликни ташкил этади, улар энг узун расталарни эгаллаганлар. Унда асосан рус читлари, шойи ва Қўқон ҳамда Бухоро пахтаси ипидан тўқилган бошқа матолар билан савдо қилинади. Бозорнинг бошқа расталарида пойафзал, эгар-жабдуқ ва теридан тайёрланган турли буюмлар сотилади. Учинчи растада гилам, палос ва кигизлар билан савдо қилувчилар тўпланган. Шуни эслатиб ўтишим керакки, Тошкентда аъло сифатли гилам, палос ва наматлар сотилади, булар бошдан-оёқ туркман хотин-қизлари қўли билан тўқилган. Бозорнинг яна бир растаси шойидан тикилган кийимлар билан банд. Улар нафис ва мафтункор кашталар билан сайқалланган. Бу кашталарни биринчи бор кўрган европалик қайси бирини харид қилишни билмай албатта, шошиб қолади. Бозорнинг ичида темирчилик устахонаси бўлиб, бу ерда болғаларнинг кучли зарби қулоқни қоматга келтиради. Шу ернинг ўзида уй-рўзғор учун керакли мис ва темирдан ясалган буюмлар сотиладиган савдо расталари ҳам жойлашган. Тошкент ва қўқонлик усталар ишлаган чойнаклар, обдасталар (офтоба), мис ва кумушдан моҳирлик билан ясалган зеб-зийнат буюмларининг харидори кўп. Яна бир растада сопол буюмлари ўз харидорларини кутиб турибди. Бу сопол идишлар оддий қилиб ишланган, бироқ кўриниши гўзал. Уларнинг устки қисми кўк рангда сирланган. Бу ердаги чинни идишлар Хитойдан келтирилган..."

XIX асрда яшаб ижод этган тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли шаҳарнинг Регистон майдонидаги асосий савдо марказини таърифлаб, "Бозорнинг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади, халқ савдо-сотиқ, ҳар-хил ўйин-кулгу қилади," деб ёзади.

Тадқиқотчи В.Масальский Тошкентдаги Эски шаҳар бозорининг XX аср бошларидаги манзарасини қуйидагича тасвирлайди:

"Бир қисми тимдан (усти ёпиқ бозор) иборат бозорда 4,5 мингта дўкон, чойхона, ошхона, устахона ва карвонсарой борки, улар бозор кунлари ниҳоятда гавжум бўлади. Бозор ва унга туташган кўчалар шаҳарликлар, четдан келган деҳқонлар, туя карвонлари, отлиқлар, аравалар билан шу қадар тўлиб кетадики, бу ерда юришга ҳам имкон бўлмайди. Баззозу сомсапаз, мисгару чилангар, новвою ҳолвафуруш, каллапазу кабобпазларнинг бақириқ-чақириғи, гадоларнинг хайру садақа тилаши, қаландару маддоҳларнинг қироатли ўқишлари, туяларнинг бўкиришию эшакларнинг ҳанграши бир бўлиб, бу маҳобатли гулдирос анча олисдан ҳам эшитилиб туради. ... Ўрта Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида бўлгани каби, Тошкентда ҳам ҳайит ва рўза кунлари бозори шаб (тунги бозор) ўтади. Бозори шабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ёки майдон безатилиб, кўчанинг икки четидаги чойхона ва дўконлар олдига чорпоялар қўйилиб, уларда ҳар хил мевачева, озиқ-овқат маҳсулотлари сотилган. Карнай, сурнай ва ноғоралар чалиб махсус жарчилар одамларни бозори шабга чорлаган. Бир томонда кураш, бир ёнда ўргатилган ҳайвонлар томошаси. Чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи, қизиқчи, раққосалар ўз санъатларини намойиш қилган..."

1889 йилда Тошкентга келган Ольга Лори шундай ёзади: "Эски шаҳар деб аталадиган жойнинг бозори тошкентликлар фахр билан тилга оладиган диққатга сазовор жойдир... Биз бозордаги йўлакларга (савдо расталарига) кириб, чиқолмай жуда узоқ овора бўлдик. Чунки одам шу қадар кўплигидан орқага қайтиб бўлмасди, бутун бозорни кечиб ўтгунча икки соатча қийналишга мажбур бўлдик..."

Тошкентнинг сергавжум бозорларида сотилган мўл-кўл ва сифатли маҳсулотлар қадимдан сайёҳу харидорлар диққатини ўзига тортиб келган. Шаҳарда савдо ишлари йил сайин ривожланиб, унинг иқтисодий салмоғи ортиб борган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда ички бозорларни кенгайтириш, уларда савдони ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, ўтган қисқа даврда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги бозорлар қайта таъмирланди, уларда савдо расталари ва дўконлар кўпайтирилди. Истеъмол бозори янги моллар билан кун сайин тўлдирилмоқда. Энг асосийси, бугун ҳам юртимиз бозорлари нафақат савдо-сотиқ маскани, балки маданият ўчоғи, асрлар давомида шаклланиб, бойиб келаётган ажойиб миллий анъаналаримиз мужассамлашган даргоҳ сифатида ҳам ўз қадри ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ўтиб кетган воқеаларни эслаб, кўнгилни ғаш қилишдан фойда йўқ. Ҳамиша олға интилиш сизга кўпроқ "ярашади".

СИГИР(22.04-20.05)
Эҳтиросларингизни жиловлай олсангиз бас, қолган жабҳаларда омадингиз юришгандан-юришиб турибди.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Яқин кунларда муаммоларга кўмилиб кетгудек бўласиз, лекин сиз уларнинг барисини ҳал этишга қодирсиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда "айтилган сўз — отилган ўқ" эканини янада яхшироқ англашингизга тўғри келади. Ваъдани беришдан олдин имконни чамаланг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Мунозарага киришишидан олдин ҳамкорларингизни ҳар жиҳатдан ўрганинг. Воқеаларни тезлаштиришга уринманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Молиявий муаммолар сизга анча-мунча ташвиш келтириши эҳтимоли йўқ эмас. Ҳазил-мутойиба билан кўнглингизни кўтаришади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
"Мен" деган сўзни камроқ ишлатсангиз, одамлар билан муносабатингизда англашилмовчиликлар юз бермаслиги мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Муваффақиятларингизни бўрттириб кўрсатишга ортиқча урманг. Акс ҳолда обрўимни кўтараман деб, уни тушириб қўясиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Таваккалчилик айни кунларда сизга манфаат эмас, ғалва келтириши турган гап. Бу туфайли катта йўқотишлар бўлиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Оилавий можароларга сабабчи бўлишни истамасангиз, юрагингизни кенгроқ қилинг. Дўстлар даврасида кўнгил очганингиз тузук.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Маъмурий ишлар, ҳужжатбозлик билан шуғулланиш учун жуда ноқулай кунлар. Иложи борича бу ишларни ортга суринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Тезкор равишда катта молиявий масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Ишга енг шимариб киришинг, шунда уддалайсиз.

"Mahalla"да мулоҳаза

"ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР"га аталган ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

ҳамда иримчи санъаткор Саида РАМЕТОВАга очиқ хат

"Ўзтелерадиокомпания"нинг "Ўзбекистон" канали ижодкорлари томонидан тайёрланадиган "Оддий ҳақиқатлар" кўрсатувининг иримларга ишониш ёки ишонмаслик мавзусига бағишланган кўрсатувидаги чиқишингиз менда ушбу очиқ хатда баён этиладиган фикрларни туғдирди. Бу хат балки бироз кечиккандир, чунки кўрсатув эфир юзини кўрганига анча бўлган, мен эса уни илк бор ўтган ҳафтада, такрорий намойишида кўрдим.

Кўрсатувда ирим-сиримларга ишониш керакми-йўқми деган мавзуда, умуман, уларнинг келиб чиқиши ҳақида олимлардан тортиб санъаткорлару оддий фуқароларгача ҳар ким ҳар хил фикр билдирди. Ҳатто олимларимиздан бири иримлар аслида Ислом динида ҳам бўлиб, фақат унда шариат қоидалари дея аталади деган ажаб "янгилик"ни илгари сурди. Олимларимиз, дин уламолари бу фикрга ойдинлик киритсалар яхши бўларди, лекин бу — кейинги масала. Кўрсатувда гап қўшкелин тушириш, яъни икки акаукани уйлантириш учун битта тўй маросимини ўтказишга боғлиқ иримларга келиб тақалгач, юқоридаги каби мунозарабоп тахминлардан кўнглимиз қолгани сиз билдирган фикрлар туфайли бўлган кўнгил оғриғи соясида қолиб кетди... Сиз кўпмиллионлик аудиторияга мўлжалланган кўрсатув минбаридан туриб қатъий тарзда "Қўшкелин бўлганларнинг нечтасини билсам, кейинчалик бу оилаларнинг ҳаётида албатта бирор бахтсизлик рўй берган. Шу боисдан мен қўшкелинга бир тўй қилиб қурилаётган оилаларнинг бири албатта бахтсиз бўлади, деган иримга ишонаман..." каби мазмундаги сўзларни айтдингиз. Ҳатто бу бахтсизликларни бирма-бир санаб ўтдингиз. Юртимизда минглаб, қўшкелину қўшкуёв бўлган оилалар бор, сиз бу сўзларни қатъий ишонч билан айтиб, ҳатто шундай эканлигига бошқаларни ҳам ишонишга даъват этиб турганингизда улар ҳам бу кўрсатувни томоша қилаётган бўлса ажабмас. Сизни билмадиму, мен уларнинг ҳолатини тасаввур қилдим. Ўша дамда, уларнинг орасида бошқа бир сабаб туфайли бирор кўнгилсизликни бошдан кечирганлари бўлсаю, сизнинг иримчилигингиз уларга ҳам "юқиб" оилага путур етса-чи? Бахтли-тотув яшаётганлари эса "Демак, пешонамизда бирор фожеа бор экан-да?" дея хавотир қилмади деб ўйлайсизми? Хўш, уларнинг ота-оналари, қариндошуруғлари-чи? Сизнинг сўзларингиз уларнинг юрагига ғулғула солмайдими? Қўшкелин бўлиб бахтли бўлганларни сиз кўрмаган бўлсангиз, биз кўрганмиз, бошқалар кўрган. Яхшиям, ҳамкасбингиз сизнинг бу гапингизга қарши бўлди. Аммо кеч эди, чунки сўз "ўқдек отилди", у қалбларга бориб тегди.

Тўғри, ҳар ким ўз фикрига, нуқтаи назарига эга бўлиши мумкин. Албатта, кўрсатув ижодкорлари ҳам мавзуга оид фикрларнинг қарама-қаршилиги билан "Оддий ҳақиқатлар"нинг телетомошабин учун қизиқарли бўлишини таъминлашга интилганлар. Сиз ирим қиладиган ҳолатлар: йўлни қора мушук кесиб ўтганда ортга қайтишингиз, янги машинани эрингиз ва ўғлингизга бериб, ўзингиз "Волга"да юришингиз кабиларга бировни ишонтирсангиз бунинг ҳеч бир ёмон (яхши ҳам!) жойи йўқ. Лекин қўшкелинлик тўғрисидаги сўзларингиз нафақат инсонлар ҳаётига салбий таъсир қилиши мумкин, унинг ҳатто, ижтимоий салбий таъсир кучи ҳам йўқ эмас. Тўй-маросимлари ва маъракаларни ихчамлаштириш борасида мамлакат миқёсида катта қўламдаги тарғибот ишлари юритилаётган айни пайтда бир тўй билан икки тўйнинг ўртасида фарқ катта. Албатта, сарф-харажатни камайтириш учунгина ҳамма қўшкелин тўй қилиши шарт, деган фикрдан йироқман. Лекин кетма-кет эр етган ёки эгизак ўғилларига қўшкелин тушириб, бирваракайига уйламоқчи бўлган юртдошларимизни шаштидан қайтариб қўймайдими сизнинг бу иримчилигингиз?!

Умуман олганда, синчков ва зийрак томошабин барча қўшкелин тўй бўлганларнинг бири оилавий ҳаётда бахтсиздир, деган асоссиз, лекин сиз томонингиздан қизғин "ҳимояланган" таъкидларни жиддий қабул қилмасалар керак деб ўйламайман. Ҳарҳолда, дўстларимизнинг қўшалоқ тўйи учун йўлланган таклифнома ҳамон бизни тўйга чорлаб иш столимизнинг энг кўринарли жойида турибди. Куёв томон икки келин томонни битта тўйга бир амаллаб кўндирган экан, ишқилиб, келинлар сизга эътиқод қўйганлар сирасидан бўлиб, тўйни бузмасин-да...

Хулласи калом — ҳамкасбингиз Тоҳир Саидов ўша кўрсатувнинг ўзидаёқ таъкидлаганидек, (бу пайтда сиз "Чимилдиққа" бораман, деган беўхшов баҳона билан даврадан чиқиб кетгандингиз) ойнаи жаҳон орқали халққа юзма-юз бўлувчи ҳар бир киши ўз сўзларининг миллионлаб одамларга таъсир кучи мавжудлиги эҳтимолидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлиши шарт. Аслида, бу ҳам оддий ҳақиқатлардан бири, холос...

Бу гапни "Оддий ҳақиқатлар" устида изланаётган бизнинг ҳамкасблар ҳам ўйлаб кўрсалар бўларди.

Мавлуда ҚОСИМОВА,
журналист.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Самарқанд вилояти

Рустам ҲАЙИТОВ олган суратлар

Яқинда Пахтачи туманидаги Сотиболди маҳалласи ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Айни пайтда ушбу тиббиёт масканида 20 нафарга яқин олий ва ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.
СУРАТЛАРДА: *(чапда) қишлоқ врачлик пункти шифокорлари Фароғат Нурбоева ҳамда Дилфуза Саидова беморнинг касаллик варақасини кўздан кечирмоқда;*
ҳамшира Дилрабо Қодирова.

Эшитмадим, деманглар!
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси
Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси
Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлигида

2005 йилнинг 6-8 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида

"БАРҲАЁТ НАВОЛАР"
ТУРКУМИДАН МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Танлов 6 октябрь куни соат 11-00 да Ғафур Ғулом номидаги Маданият ва истироҳат боғида бошланади.

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ ВА УЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ
8 октябрь куни соат 15.00 да Ғафур Ғулом номидаги Маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади.

Ташкилий қўмита

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

ESENYA
Bau- und Handelsinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

ДП "MEHR MURUVVAT ISHONCHI" Юнусабадского района г. Ташкента (код по ОКПО 19231725) ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня публикации, по тел: 35-45-93

Ҳамраева Дилдора Мамжаббор қизи номига Тошкент Педагогика билим юрти томонидан 1992 йили берилган 18538 РК-1N 435051 рақамли диплом бекор ҳисобланади.

Шайхонтоҳур тумани "Умида Равшан қизи" хусусий фирмаси (ОКПО 19781862) тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан 2 ой муддатда қабул қилинади: Манзил — Хувайдо кўчаси 12-уй 2-хонадон, телефон: 114-47-52.

Утеренный гос. ордер 15-05/358 о праве собственности выданный 17.02.2000 г. на имя Когай Лилии Романовны считать недействительным.

Юнусобод тумани 4 мавзе 1-уйдаги 348-хонадон Юнусхўжа УМШ таркибидан чиқади.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан Сайганова Любовь Ивановна номига 07.04.1993 й.да берилган 00-21/1817 рақамли квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7215 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-824
1 2 3 4 5 6
Топширилди — 21.00